

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5230200 - Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат  
таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент - 2020



### **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент молия институти;

### **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

### **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 230 000 - Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳукуқи.....	4
1.1.3.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	5230200 - Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
1.2.1.	5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
1.2.5.	Таълимни давом эттириш имкониятлари.....	6
2.	5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
3.	5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1.	5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2.	5230200 - Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	8
	Библиографик маълумотлар.....	9

## **1. 5230200- Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кредит-модуль тизимининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси.**

**1.1.1. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

### **1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** – иқтисодий соҳасидаги йўналиш бўлиб, у давлат, акционерлик ва хусусий компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари, иқтисодийнинг турли соҳа ва тармоқларини бошқариш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича иқтисодий, ташкилий масалалар ечимларини менежментнинг ривожланиш қонуниятлари ва замонавий концепциялари асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;
- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндашув тамойилларини татбиқ этиш, давлат ва маҳаллий бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари;
- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш, ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, бошқарув самарадорлигини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш жараёнлари;
- ташкилот ва корхоналар ташкилий тузилишининг оптимал вариантларини танлаш;
- банкларда замонавий менежментни ташкил этиш;
- банклар фаолиятида маркетингни бошқариш;
- бошқарув тизимининг турли погоналарида ваколатлар ва вазифаларни тақсимлаш;
- банклар, молия ташкилотлари ва корхоналарни бошқариш самарадорлигини ошириш;
- банк ва молия ташкилотлари ва корхоналарда меҳнатни рағбатлантириш тизимини йулга қўйиш;
- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндашув тамойилларини татбиқ этиш;
- хизмат кўрсатиш корхоналарида менежмент тамойилларини қўллаш;
- корхонада менежер фаолиятини оқилона ташкил этиш;
- корхонада самарали бошқарув фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**1.2.3. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- тадбиркорлик.

**1.2.4. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.**

*5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:*

- Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
  - ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
  - ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йулга қўйиш;

- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўгин иштини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулдда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

#### **Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни тадбиқ этиш.

#### **Тадбиркорлик фаолиятида:**

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5230200 - Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

## **2. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини билиши;
- шахснинг инсон, жамият, атроф-муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянган ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини хис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;
- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- корпоратив ахборот тизимларини, молиявий-иқтисодий таҳлил ва молиявий ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;
- стратегик ва операцион бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, бошқаришнинг замонавий технологияларини, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;
- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- активларни баҳолаш, айланма маблағларни бошқариш, дивиденд сиёсати ва капитал тузилмасини шакллантиришда молиявий бошқарувнинг асосий усулларини қўлай билиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- макроиқтисодий муҳитни, бозор ва унга хос хатарларни, рақобат муҳитини таҳлил қилиш ва баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилишда, уларни аниқ бошқарув вазифаларига мослаштириш орқали иқтисодий, молиявий ва ташкилий-бошқарув моделларини шакллантиришда миқдорий ва сифатли таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бухгалтерия сиёсати ва ташкилотнинг молиявий ҳисоботларини шакллантиришда молиявий бухгалтерия ҳисобининг асосий принциплари ва стандартларини, бошқарув ҳисоби маълумотлари асосида харажатларни бошқариш ва қарорларни қабул қилиш укувиға эга бўлиш;

- бизнес жараёнларини моделлаштириш, бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- янги ташкилотларни (фаолият йўналишлари, маҳсулотлари) яратиш ва ривожлантириш учун бизнес режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

Менежер, бошқарувчи, ресурсларни бошқарувчи, ходимлар бўлими бошлиғи, персонал менежер, оффис менежер, директор, раҳбар, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи, фирма президенти, савдо менежери, тармоқ менежери, бош менежер, ҳоким, иш бошқарувчи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

## **3. 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар**

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашни таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади. Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

### **3.2. 5230200 – Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.



Ўқув даврининг умумий ҳажми куйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртки шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

### Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

#### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, профиль, уқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври менежмент, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент молия институти

Ректор  С.У.Мухомов

2020 йил « 22 » 07



**КЕЛИШИЛГАН:**


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълимни  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети



Ректор  Т.Т.Хакимов

2020 йил «    »



Тошкент архитектура ва қурилиш  
институти



Ректор  К.А.Шарипов

» \_\_\_\_\_

“Тошкент Универмаги” АЖ  
бошқарув раиси



 Х.Х.Шарипов

2020 йил \_\_\_\_\_

Ректор  П.П.Хакимов



2020 йил \_\_\_\_\_

М.Ў.

“Ўзсавдоускуналари” илмий ишлаб  
чиқариш масъуляти чекланган  
жамияти бош директори

 П.Т.Абдураимов



2020 йил \_\_\_\_\_

М.Ў.

Тошкент молия институтида тайёрланадиган 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режасини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида

## КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

“Тошкент” Республика фонд биржаси бошқарув раиси Б.Ш.Усманов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим Ривожлантириш маркази директори З.Хакимов, “Ўзсавдоускуналари” акциядорлик жамияти директори П.Т.Абдурайимов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори А.Ж.Тўйчиев, мазкур келишув далолатномасини куйидагилар ҳақида туздик:

1. 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 22 майдаги 328-сонли, 26 майдаги 344-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 3 июндаги 365-сонли, 5 июндаги 369- ва 371-сонли, 16 июндаги 399- ва 404-сонли, 19 июндаги 407-сонли, 7 июлдаги 458-сонли ва 10 июлдаги 460-сонли буйруқларига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим Ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишини малака талаби ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим Ривожлантириш маркази, “Тошкент” Республика фонд биржаси, “Ўзсавдоускуналари” акциядорлик жамияти мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши кадрлар истеъмолчиси – “Тошкент” Республика фонд биржаси, “Ўзсавдоускуналари” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли

таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида “Тошкент” Республика фонд биржаси, “Ўзсавдоускуналари” акциядорлик жамияти мутахассисларининг таклифлари 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши малака талаби ва ўқув режасини мукаммаллаштиришда инobatга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаби ва ўқув режасини ўқув жараёнига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.



“Тошкент Универмаги” АЖ  
бошқарув раиси

\_\_\_\_\_ **Х.Х.Шарипов**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий ва ўрта махсус,  
касб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази  
директори

\_\_\_\_\_ **З.Ҳакимов**

Тошкент молия институти ўқув  
ишлари бўйича проректори

\_\_\_\_\_ **А.Ж.Тўйчиев**

“Ўзсавдоускуналари”  
акциядорлик жамияти  
директори



\_\_\_\_\_ **П.Т.Абдурайимов**

Тошкент молия институтида тайёрланган 5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши учун янгидан яратилаётган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши*	
	шифри	номи
1	5230200	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)
		<p>Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари</p> <p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- корхоналар фаолиятини тартибга солиш ва уларни бошқаришга доир Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва уларни қўллай олиши;</li> <li>- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;</li> <li>- хизматлар кўрсатиш соҳасига тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқларини, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш;</li> <li>- мавзу бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;</li> <li>- интернет тармоғидан энг янги илмий-техник ютуқлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш;</li> <li>- ташкилот ва корхонада замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш;</li> <li>- ташкилот ва корхоналар ташкилий тузилишининг оптимал вариантларини танлаш;</li> <li>- бошқарув тизимининг турли поғоналарида ваколатлар ва вазифаларни тақсимлаш;</li> <li>- ташкилот ва корхонада меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;</li> <li>- бошқарувда вазиятли ва тизимли ёндошув тамойилларини тағбиқ этиш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш корхоналарида менежмент тамойилларини қўллаш;</li> <li>- корхонада менежер фаолиятини оқилона ташкил этиш;</li> <li>- корхонада самарали бошқарув фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- хизмат курсатиш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тағбиқ этиш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;</li> </ul>

		<ul style="list-style-type: none"> <li>- менежмент тадқиқотлари ечимларини амалиётга татбиқ этиш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқариш;</li> <li>- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;</li> <li>- корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;</li> <li>- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;</li> <li>- корхоналарнинг хизмат кўрсатиш бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш корхоналарида менежментни ташкил этиш;</li> <li>- бошқаришнинг намунавий технология жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш корхоналарида менежмент тамойилларини қўллаш;</li> <li>- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;</li> <li>- корхоналарда менежмент тадқиқотларини ўтказиш;</li> <li>- корхоналарнинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш;</li> <li>- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информатсион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татқиқ қилиш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланиш ва уларни фаолият жараёнига қўллаш олиш;</li> <li>- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш;</li> <li>- хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш</li> </ul> <p><b>қобилиятларига эга бўлиши лозим.</b></p>
--	--	---

Тошкент молия институти  
ўқув ишлари бўйича проректори



А.Ж.Гўйчиев

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунара таълимини  
Ривожлантириш маркази директори

З.Хакимов



Х.Х.Шарипов



П.Т.Абдураимов

“Тошкент Универмаги” АЖ бошқарув раиси  
“Ўзсавдоускуналари” илмий ишлаб чиқариш  
масъуляти чекланган жамияти бош директори

**5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаби ишлаб чиқилишига**

**ТУШУНТИРИШ ХАТИ**

5230200-Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалаврият таълим йўналиши малака талабини ишлаб чиқишда қуйидаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 12-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 08 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президента Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сон топшириғи;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги “2020-2021 ўқув йилидан таълим жараёнини кредит-модуль тизимига ўтиши тўғрисида”ги 357-сон буйруғи.

Малака талабини ишлаб чиқишда бакалаврият таълим йўналиши битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган.

Олдинги бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми билан қиёслаганда янги малака талаби бўйича бакалавриятда “Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар” ва “Математик ва таббий-илмий фанлар” блоклари бирлаштирилиб, номи “Гуманитар фанлар ва табий-илмий фанлар”га ўзгартирилди ва умумий юклама ҳажми 15-20 %дан 20-30%гача оширилди. “Умумқасбий фанлар” блокнинг ҳажми 45-50 %дан 30-50 %гача, “Иқтисолик фанлари” блокнинг ҳажми 10-15%дан 20-35 %гача кўпайди. Шу билан бирга бакалавриятда назарий таълим билан ишлаб чиқаришни боғлаш учун малакавий амалиёт муддатлари 16 ҳафтадан 30 ҳафтага оширилди ва аудитория машғулотларининг ҳафталик юкламаси 32 соатдан 30 соатга қисқартирилди.

Ушбу малака талаб “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Президент, Вазирлар Маҳкамасининг қарор-фармонларини мукамал амалга оширилишига қаратилган.

Малака талаби дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаби асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаби халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди.

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъерий-қоидаларга мослигига эришилди.

Малака талабнинг қулайлиги - унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инobatга олинган бўлиб, таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди

5230200-Менежмент (*тармоқлар ва соҳалар бўйича*) бакалаврият таълим йўналишига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

Малака талабини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тарақиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жaxon тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида



кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

**Тошкент молия институти**  
**“Менежмент”**  
**кафедраси мудири**




**Э.Набиев**

Ташкент шаҳар ва соҳалар бунёдчилар бакалаврият таълим йўналишини малака талабнинг халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таҳлили

№	Ташкентский финансовый институт (Узбекистан)	Япония (Tokyo Business school)	Германия (University Dortmund)	США (University of Colorado, Risk Management and Insurance)	ПРЕДЛОЖЕНИЕ РАБОЧЕЙ ГРУППЫ По бакалавру
<b>БАКАЛАВР</b>					
1	Иқтисодиёт назарияси	Fundamentals of Economics Иқтисодиёт асослари	Volkswirtschaftliche Grundlagen Иқтисодиёт асослари	Economics Иқтисодиёт	Иқтисодиёт асослари
2	Статистика	Statistics Статистика	Statistik Статистика	Statistics Статистика	Статистика
3	Эконометрика	-	-	-	Эконометрика
4	Микроиктисодиёт. Макроиктисодиёт	Macro Economics Макроиктисодиёт Micro Economics Микроиктисодиёт	Microeconomics Микроиктисодиёт	-	Макроиктисодиёт Микроиктисодиёт
5	Молия	Principles of Finance Молия асослари	-	Finance Молия	Молия
6	Молиявий ва бошқарув хисоби	Managerial Finance Бошқарув молияси	Management Accounting and Control Бошқарув хисоби ва назорат	Cost Accounting Харажатлар бухгалтерияси	Бухгалтерия хисоби
7	Молиявий таҳлил	Principles of Accounting Бухгалтерия хисоби асослари	-	Accounting Бухгалтерский учёт	Молиявий таҳлил
8	Аудит	-	-	-	-
9	Сугурта иши	Social Insurance Ижтимоий сугурта	Grundlagen der Versicherungslehre Асослари ва сугурта	Property & Casualty Insurance Мулк сугуртаси ва бахтсиз ҳодисалардан сугурта қилиш	Сугурта менежменти
10	Солиқлар ва солиққа тортиш	-	Steuer Солиқлар	-	Солиқ менежменти
11	Бюджет хисоби	Managerial Accounting Бошқарув хисоби	-	-	Бошқарув хисоби
12	Менежмент	Principles of Management Менежмент асослари	Grundlagen des Marketings Маркетинг асослари	Marketing Management Маркетинг менежмент	Менежмент
13	Маркетинг	Principles of Marketing Маркетинг асослари	Unternehmensführung Бошқарув	-	Маркетинг менежмент
14	Бизнесни бошқариш	Business management Бизнес бошқаруви	-	-	Бизнес бошқаруви
15	Молия бозори ва молиявий технологиялар	International Financial Management Халқаро молиявий менежмент	-	-	Молиявий менежмент
16	Инвестиция ва инновациялар	-	Investition und Finanzierung Инвестиция ва молиялаштириш	Investment and Management Инвестиция ва менежмент	Инвестиция ва бошқарув
17	Пул ва банклар	Global Banking Глобал банк иши	-	-	Банк менежменти ва маркетинги

18	Лойиха менежменти	Introduction to Project Management Лойиха менежментига кириш	Planning and Project Management Режалаштириш ва лойиха менежменти	Project Management Лойиха менежменти	Лойихаларни бошқариш
19	Таваккалчиликни бошқариш	Risk Management рискни бошқариш		Risk Management and Insurance Рискларни бошқариш ва суғурта	Таваккалчиликни бошқариш
20	Инсон ресурсларини бошқариш	Human Resource Management Инсон ресурсларини бошқариш		Personnel management Персонални бошқариш	Кадрлар менежменти
21	Рақамли маркетинг	Digital Marketing Рақамли маркетинг			Рақамли маркетинг
22	Стратегик менежмент	Strategic management Стратегик менежмент	Strategic and International Management Стратегик ва халқаро менежмент		Стратегик менежмент
23	Операцион менежмент	Operation management Операцион менежмент	Production Management Ишлаб чиқариш менежменти	Operation management Операцион менежмент	Операцион менежмент
<b>КОМЕНТАРИЙ</b>					
<p>Япония бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлаш тажрибаси тизимли ва тахлили факрловчи, стратегик режалаштириш, мураккаб шароитларда ҳам оқилона ечимларни топиш ва тўғри қарорларни қабул қилиш қобилиятига эга, шунингдек, ташаббускорлик, лидерлик сифатларини ўзида мужассамлаштирган, жамоа манфаатини устуң кўрадиган, ўз вазифасига масъулият билан ёндашувчи, ватанпарварлик хиссига эга бошқарув кадрларини тайёрлашга асосланади. Шу нуктаи назрдан, Япония компанияларида бошқарув соҳасида асосий эътибор ходимнинг ижтимоий ва касбий қомол топишига, уларнинг компания учун садоқатини шакллантиришига ва барқарор иш ўрииларни кафолатлашга қаратилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда бошқарув соҳасида мутахассисларни тайёрлашда тақомиллаштириладиган ўзув режалар ишлаб чиқиш учун Япония тажрибасидан фойдаланиш аҳамиятлидир.</p>		<p>Бошқарув соҳасида Германия тажрибасининг асосий эътиборли жиҳатлари ходимларни иш жойларида узлуксиз малакасини ошириб борилиши, раҳбар ва ишчи ходимлар ўртасида кооперация алоқаларининг йўлга қўйилганлиги, ходимлар учун иш ўринларининг кафолатланганлиги ҳамда сифат ва тартибнинг қатъийлиги билан ажралиб туради. Шу нуктаи назрдан, бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган янги дастурларни ишлаб чиқишда Германия тажрибаси фойдаланилди.</p>		<p>Бошқарув кадрларни тайёрлашда АҚШ тажрибаси ўзининг индивидуал тайёрлов дастурлари мавжудлиги, касбий ўсишда жамоа эмас шахсий потенциалнинг устуворлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун кадрлар тайёрлашда асосий эътибор лидерликни шакллантириш, раҳбар имиджини яратиш, ташкилий хулқ ва коммуникатив қобилиятни шакллантириш каби жиҳатларга йўналтирилади. Ушбу тажриба бошқарув соҳасидаги ўзув дастурини ишлаб чиқишда айнакса, бошқарув соҳасида ихтисослашган мутахассисларни тайёрлашда фойдали хисобланади.</p>	



Э.Набиев

“Менежмент ва маркетинг” кафедраси мудири